

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ, ЗАМИН ВА
ПОЙДЕВОРЛАР КАФЕДРАСИ

“Химояга рухсат этилсин”

факультет декани

п.ф.н.доц. Алиев И.

“ ” 2017й

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА

Т У Ш И Н Т И Р И Ш Х А Т И

Диплом лойиҳасининг мавзуси: Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” каналини
қайта таъмирлаш

Битирувчи 18-13 гуруҳ талабаси:

Муротов Суннатхўжа
Акмал ўғли

Диплом лойиҳаси раҳбари:

т.ф.н. Нарбаев С.М.

“Химояга тавсия этилсин”

“ Гидротехника иншоотлари

замин ва пойдеворлар” кафедраси

муdiri Тошхўжаев А.У.

“ ” 2017 й

Тошкент- 2017 йил

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I УМУМИЙ ҚИСМ	8
1.1 Техник-иқтисодий кўрсаткичлар	9
1.2 Иқлим ва геоморфология	11
1.3 Литологик таркиб ва гидрологик шароитлар	12
1.4 Мазкур жой бўйича муҳандислик-геологик ва гидрогеологик шароитлар	13
II ТЕХНИК ҚИСМ	15
2.1 Канал участкаси ва ундаги иншоотларнинг жорий ҳолати	16
2.2 Лойиҳавий чора-тадбирлар ва техник ечимлар	17
2.3 Канал реконструкцияси	17
2.4 Гидротехник иншоотлар	22
III ҲИСОБИЙ ҚИСМ	35
3.1 Босимли қувурнинг гидравлик ҳисоби	36
3.2 Затворларни кутаришга, туширишга ва ушлаб туширишга ҳисоблаш тартиби	37
IV ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	40
4.1 Қурилиш объекти таркиби	41
4.2 Қурилиш муддатлари, кетма-кетлиги ва таркиби	41
4.3 Моддий-техник таъминот. Транспорт ҳаракати схемаси	42
4.4 Ишларни олиб бориш усуллари	42
4.5 Ишлаб чиқариш корхоналари, вақтинча бино ва иншоотлар таркиби	44
4.6 Қурилиш техникаси ва автотранспортга бўлган эҳтиёж	45
4.7 Электр энергияси, сув ва ёқилғига бўлган эҳтиёж	46
V ҚУРИЛИШДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ	48
5.1 Замонавий қурилишда меҳнат муҳофазасини ўрни	49
5.2 Ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси	49
5.3 Қурилиш жараёнларида меҳнат ҳавфсизлиги	50
5.4 Ёнғин ҳавфсизлиги	51
Хулоса	52
Фойдаланилган адабиётлар	53

Сўз боши

Сўз боши

Юртимизда бўлиб ўтган Президент сайлови ва Ўзбекистон Конституциясининг 24-йиллигига бағишланган байрам тадбирлари давлатимиз тизими мустаҳкамлигини, ҳокимиятнинг барча бўғинлари, жамиятимиз ва халқимизнинг жипслигини бутун дунёга яна бир бор намоён этди.

Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

2017-йилни биз **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**, деб эълон қилдик. Бугунги мажлисимизнинг асосий мазмунини айнан шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни таклиф этаман. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни қуйидаги энг муҳим масалаларга қаратишни зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, нима сабабдан ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмади? Бунинг учун ким шахсан жавоб беради?

Иккинчидан, 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олишимиз зарур.

Учинчидан, келгуси беш йил давомида қандай стратегик вазифаларни амалга оширишимиз керак?

Мажлис иштирокчиларини огоҳлантириб айтмоқчиман: «ғалаба рапортлари» ва қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта

таҳлил қилишга қаратиш зарур. Шунингдек, мамлакат Президенти ва ҳукумати даражасида ечиладиган аниқ таклифлар ва муаммоли масалаларга эътибор бериш шарт.

Мажлисни асосан мулоқот тарзида ўтказишни таклиф этаман. Қўйилган саволларга бериладиган жавоблар аниқ-равшан ва тушунарли бўлиши керак. Бу нафақат Бош вазир ўринбосарлари, ҳукумат аъзолари ва шу залда ўтирган мажлис иштирокчиларига, балки барча шаҳар ва туман раҳбарларига ҳам бирдек тегишлидир.

Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

Ана шу талабни, шунингдек, 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017-йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни таклиф этаман.

Ушбу устувор вазифалар бугунги мажлисимиз баённомаси лойиҳасида кўрсатилган. Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга ана шу йўналишларни амалга ошириш бўйича ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда тақдим этиш топширилади.

Енг асосий устувор вазифа – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш, **«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун»** деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.

Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди.

Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган. Сизнинг эътиборингизни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратаман.

Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳасида. Очiq тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.

Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, литсей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизатсияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари хали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

Учинчи вазифа – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-хунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

2017-йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғлиқдир.

Биринчи – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги.

Иккинчи – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.

Учинчи талаб – қаторларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуриштириш. [1]

Умумий қисм

1.1. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Дўстлик каналини қайта таъмирлаш бўйича ишчи лойиҳаси Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги сув истеъмолчилари ҳудудидаги “Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида жойлашган хўжаликлараро Дўстлик каналини қайта таъмирлаш” техник топшириғига биноан ишлаб чиқилган.

Топшириққа биноан мавжуд каналнинг 6,0 км узунликдаги қисмини қайта таъмирлаш кўзда тутилган.

Дўстлик канали “Жиззах ва Сирдарё вилоятидаги ирригацион-дренаж тармоқларини тиклаш” техник-иқтисодий асосномаси таркибида кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2009 йилдаги ПП-1215 Қарорига биноан мазкур лойиҳа амалга оширилган.

Каналнинг қайта таъмирлаш қилинадиган қисми чўлнинг жануби-шарқий қисмида Гулистон шаҳрининг хўжаликлари ҳудудида жойлашган. Дўстлик каналининг қайта таъмирлаш қилинадиган трассаси участкаси Дўстлик каналининг ПК 56+00 қисмидаги бош иншоотдан бошланади ва Гулистон-Янгиер автойўли орасидан ўтади.

Мазкур ҳудуднинг суғориш манбаси Дўстлик канали бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳавий ечимларни асослаб бериш учун топографик-геодезик дала ишлари ўтказилиши зарур, аввал олиб борилган муҳандислик-геологик ва гидрогеологик изланишлар ва лойиҳавий ишланмалар материаллари максимал даражада қўлланилиши лозим.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд меъёрларлар, қоидалар, йўриқнома ва давлат стандартлари асосида ишлаб чиқилган.

Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда “Ўзгипромелиоводхоз” институти материалларидан фойдаланилди:

- 1990 йилда “Чўл ҳудудидаги Дўстлик жамоа хўжалигининг суғориш тизимини мажмуавий қайта таъмирлаш” лойиҳаси доирасида олиб борилган муҳандислик-геологик ва гидрогеологик ҳамда тупроқ-мелиоратив изланишлар материаллари.

Ишчи лойиҳани тузиш учун топологик геодезик изланишлар ҳамда “ЎзГИП” ОАЖ институти бўлимлари томонидан ўтказилган гидрогеологик ва тупроқ-мелиоратив изланишлардан фойдаланилган. Ишчи лойиҳани тузишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинган:

1. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида жойлашган Дўстлик каналини қайта таъмирлаш.
2. Жойлашган жойи - Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.
3. Сув оқиш йўналиши: Дўстлик, ПР-4-1 каналлар.
4. Сув кетишини таъминлаш усули – ўз-ўзидан оқар сув.

№№ т.р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ишчи лойиҳа бўйича
1	2	3	4
	1. Умумий маълумотлар		
1.1	Умумий майдон	минг га	3,322
1.2	Суғориш манбалари	-	Дўстлик каналли
1.3	Сув узатиш усули	-	ўзи оқар
1.4	Сув оқиш тури	-	бетон қопланган юзадан
1.5	Сув қабул қилгич	-	-
	2. Асосий техник кўрсаткичлар		
2.1	Максимал бош сарф	м ³ /сек	5,0
2.2	Каналнинг умумий узунлиги	км	9,8
	Шу жумладан:		
2.2.1	Реконструкция қилинадиган узунлиги	км	6,0
	3. Ишнинг асосий ҳажмлари		
3.1	Ер ишлари		
	шу жумладан:		

3.1.1	ер қазиш	минг м ³	80,835
3.1.2	тупроқ тўкиш ва ҳандакни тўлдириш	минг м ³	127,166
3.1.3	режалаштириш	минг м ³	2,44
3.3	Монолит бетон ва темирбетон		
	шу жумладан:		
3.3.1	Бетон	минг м ³	3902,75
3.3.2	Арматура	т	0,549
3.4	йиғма темирбетон	минг м ³	59,22
3.5	Металл конструкциялар	т	2,206
3.6	асбестоцементли қувурлар	п.м	23,7
3.7	Тош	м ³	40,00
3.8	Тош, шағал	минг м ³	96,8
	4. Қурилишнинг жорий нарх-наводаги баҳоси		
4.1	Қурилишнинг умумий баҳоси, буюртмачи харажатлари ва НДСлар инobatга олинган ҳолда	минг сум	3 154 357,551
4.2	5. Қурилиш муддати	ой	9
	Шу жумладан: тайёргарлик даври	ой	1

1.2. Иқлим ва геоморфология

Канал жойлашган ҳудуд Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрининг таркибига киради. Участканинг шимолий ва шарқий чегараси вазифасини Еттисой коллектори ташкил қилади, жанубий қисмида Жанубий чўл канали, ғарбий томонида “Тошкент- Хаваст” темир йўли жойлашган.

Мазкур участка жойлашган чўл ҳудуди чўл-дашт турига мансуб арид (чўл) иқлим минтақасида жойлашга бўлиб, қурғоқчилик билан тавсифланади.

Ёғингарчилик ёғадиган мавсум (90%) қиш-баҳор (октябрь-апрель) ойларига тўғри келади. Кўп йиллик кузатишларга кўра ҳавонинг ўртача ҳарорати +12 дан +170 С оралиқда ўзгариши аниқланган. Шу жумладан, энг юқори ҳарорат (+28,50С) июль ойида, энг паст ҳарорат (-2,70С) январь-февраль ойларида кузатилган. Ҳарорати мусбат ҳаволи бўлган кунлар сони

300 га тенг ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Ҳавонинг юқори ҳарорати сув юзасидан жадал буғланиш содир бўлишига хизмат қилади. Ўртача йиллик буғланиш миқдори 1500-1700 мм га етади.

Ёзги мавсумда шамол кўпроқ шимоли-ғарбдан (1,6-5,6 м/с тезликда), кишки мавсумда жануби-шарқдан (2,6-10,9 м/с тезликда) эсади. Айрим кунларда шамол тезлиги 10-20 м/с га етади.

Ҳудуд қиялиги 0,003 дан 0,005 гача нишабга эга бўлиб, шимолий ва шимоли-ғарбий йўналишда заиф нишабли ясси пасттекисликдан иборат. Абсолют белгилар 290 дан 320 м гача ўзгаради, айрим жойлардаги рельеф баландлиги 5 метргача бўлган дўнгалакларга эга. Ҳозирги кунда, пасттекисликнинг ясси юзаси ирригация ва коллектор тармоқларининг отваллари билан қопланган, уларнинг баландлиги 3 м га етади, юзаки сувлар таъсиридан жар пайдо бўлган. Хўжалик ҳудудида табиий сув оқимлари мавжуд эмас. Сунъий гидрографик тармоқ Етгисой коллектори, Жанубий чўл канали ҳамда суғориш каналлари ва коллекторлардан иборат.

1.3. Литологик таркиб ва гидрологик шароитлар

Ҳудуд тоғ олди аллювиал-пролювиал пасттекисликнинг шарқий гуруҳ сойларининг сув оқими чекка қисмида жойлашган. Ер юзасининг абсолют белгиси 290 дан 320 м гача бўлган ораликда бўлади.

Ҳозирги кунда мазкур ҳудуд учун техноген рельеф хос. Унинг юзасида ирригацион ва коллекторли тармоқ отваллари мавжуд. Ҳудуд кесимининг литологик таркибида лойли қум, қумлм лой ва қум ҳамда тош-шағалли қолдиқли қатламлар мавжуд.

Канал трассасининг 15,0 м гача бўлган чуқурлиги таркиби майда қум қатламлари ва таркиби майда қум ва лойдан иборат қатламлардан иборат. Лойли қум ва супеслар чангсимон, сариқсимон жигар рангда. Ҳудуддаги грунт сувлари сатҳи 1,0 м дан 3,0 м гача бўлган чуқурликда жойлашган. Таркибида мавжуд бўлган SO_4^{2-} ион миқдорида кўра грунт сувлари оддий цементлар асосидаги бетонларга нисбатан юқори фаолликка эга ва сульфатбардошли

цементлар асосидаги бетонларга нисбатан фаол эмас. Сувнинг таркибидаги бошқа моддалар сув ўтказувчанлик бўйича маркали бетонларга нисбатан фаол эмас.

1.4. Мазкур жой бўйича муҳандислик-геологик ва гидрогеологик шароитлар

Дўстлик каналининг қайта таъмирлаш қилнаётган участкаси Шарқий гуруҳ сойларининг сувлари оқизиб чиққан конусларининг чекка қисмлари қолдиқларидан ташкил топган.

Канал асосини чангсимон лойли қум ва қумли лойлар ташкил қилади, уларнинг ранги сариқсимон-жигарранг ва жигарранг бўлиб, таркиби қум, қумли лой ва лойдан иборат қатламлардан ташкил топган.

Сувлар оқизиб чиққан қолдиқлар тўпланган чекка қисмларидаги суглинклар таркибида қум 8,0 дан 33% гача, чангсимон моддалар, 5 дан 83,3% гача, лойли моддалар 12,5-29% ни ташкил этади;

Оқувчанлик чегарасидаги намлик миқдори 0,257 дан 0,350 гача бўлган ораликда ўзгаради ва ўртача 0,293 га тенг бўлади. Пластиклик миқдори 0,073-0,142 ораликда бўлади, ўртача қиймати - 0,097 га тенг бўлади.

Грунтлар таркибидаги тузлар бир текисда жойлашмаган. 0-2,0 м ораликдаги чуқурликда жойлашган грунтлар таркибида енгил ва ўртача эрийдиган тузлар миқдори кўпроқ. Чуқурроқ жойларда енгил ва ўртача эрийдиган тузлар миқдори камайиб боради.

Қумли лойлар грунтларининг бўлаклари зичлиги 2,57 дан 2,69 г/см³ гача бўлган ораликда ўзгаради, ўртача қиймати 2,64 г/см³ га тенг бўлади. Қуруқ ҳолатдаги қумли лойлар зичлиги, тажриба синовлари натижаларига кўра, 1,59 дан 1,69 г/см³ гача ораликда ўзгариши мумкин. Дала шароитида олинган қуруқ грунт зичлигининг қиймати кичикроқ бўлиб, унинг катталиги 1,36 дан 1,62 г/см³ гача бўлган ораликда ўзгаради. Тажриба-синов ва дала шароитида олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш маълумотларига кўра қуруқ грунтнинг $\alpha = 0.95$ даги ҳисобий қиймати 1,47 г/см³ га тенг деб олинди.

Сув билан тўйинган қумли лойларнинг тишлашиш кучи 0,20 дан 0,56 кг/см² гача бўлган ораликда ўзгаради, меъёрий қиймати эса 0,39кг/см² га, ҳисобий қиймати 0,33кг/см² га тенг деб олинади.

Ички ишқаланиш бурчаги қиймати 27°30' дан 29° гача бўлган ораликда ўзгаради, меъёрий қиймат - 29°30' га, ҳисобий қиймат - 26° га тенг бўлади.

Сувлар оқизиб чиққан қолдиқлар тўпланган чекка қисмларидаги суглинкалар таркибида қум 4,0 дан 28,2% гача, ўртача – 15%, чангсимон моддалар 60,8 дан 84,5% гача, ўртача – 74,3 %, лойли моддалар 9-11,5% ни, ўртача – 10,7 % ни ташкил этади;

Супеслар ҳам суглинкалар ҳам енгил шўрланган бўлиб, ўртача эрийдиган тузлар ер юзасидан 1,5-2,0 метр чуқурликкача қопланган.

Таркибидаги ион SO₄² миқдорида кўра супеслар оддий цементлар асосидаги бетонларга нисбатан фаол ва сульфатбарджошли цементлар асосидаги бетонларга нисбатан фаол эмас.

Қумли лойлар грунтлари бўлақларининг зичлиги 2,66 дан 2,70 г/см³ гача бўлган ораликда ўзгаради ва ўртача 2,67 г/см³ га тенг бўлади.

Қуруқ ҳолатдаги супесларнинг зичлиги 1,51 – 1,59 г/см³ га, меъёрий қиймати - 1,53 г/см³ га, ҳисобий қиймати – 1,51 г/см³ га тенг.

Қумли лойлар қаттиқ ҳолатда бўлиб, сув билан тўйинган ҳолатида пластик ва оқувчан ҳолатга ўтади.

Сувга тўйинган ҳолатда грунтлар ортиқча сиқилувчанликка эга бўлади, зичлик коэффиценти 0,013 дан 0,033 см²-кг гача ўзгаради.

Қумли лойларнинг тишлашиш ҳисобий кучи 0,012 кг/см² га тенг бўлади.

Қумли лойлар учун ички ишқаланиш бурчагининг ҳисобий қийматлари - 28° га тенг бўлади.

ТЕХНИК ҚИСМ

2.1. Канал участкаси ва ундаги иншоотларнинг жорий ҳолати

Дўстлик каналининг қайта таъмирлаш участкаси 1950 йилда курик ерларни суғориш мақсадида қурилган. Каналга ёндошган суғориладиган майдон – 3322 га ни ташкил этади ва Баяут туманининг ширкат хўжаликлари ҳудудида жойлашган.

Каналнинг узунлиги 9,8 км ни ташкил этади, каналнинг бошланишидаги максимал лойиҳавий ўтказувчанлик 5,0 м³/с ни ташкил этади.

ПК 33+05 дан ПК 92+00 гача ораликда бўлган қайта таъмирланаётган участканинг таркиби қуйидагича кўринишга эга: ёйиқ кесимга эга, мазкур жойда қамиш ўсиб кетган, канал тубидан сув бемалол ўтиши учун канални қамишдан механик усулда тез-тез тозаланиб турилгани сабабли, эксплуатацион маълумотларга кўра шу жой чуқурлашиб кетган. Каналнинг бу қисми чуқур хандақдан ўтади, бу эса кичик тақсимлагичлардаги сувни назорат қилинишини йўқотилишига олиб келган. Мазкур канал иккита созлагичга эга, уларнинг ҳолати қониқарсиз. Механик ускуналар ишчи ҳолатда эмас, улар воситасида тўсқичларни очишни амалга ошириб бўлмайди. Кесими 1х1 м, узунлиги 20 метр бўлган яхлит бетондан қурилган бош иншоот иккита оралик қисмдан иборат. Созлагичларнинг остона қисми юқори сатҳларга ўрнатилган, бу эса сувнинг ўтказувчанлик қобилиятини пасайишига олиб келган. Каналнинг бу қисмида йўловчилар ўтиши учун мўлжалланган кўприклар ва турлича сув сарфлари учун ўрнатилган сув чиқариш мосламалари мавжуд. Тўсувчи иншоот жойлашган бўлиб, бузилган ҳолатда, механик ускуналари сақланмаган. Сув чиқариш мосламалари номуҳандислик турдаги иншоотлар кўринишида ишланган бўлиб, кириш бош қисми, тўсқич ва кўтаргичлари йўқ.

Каналдаги сув сарфи эксплуатацияга масъул ташкилот маълумотномасига асосан қабул қилинган (иловага қаралсин).

2.2. Лойиҳавий чора-тадбирлар ва техник ечимлар

Мазкур лойиҳанинг мақсади каналнинг ПК 31+00 дан ПК 92+00 гача бўлган қисмини ҳамда шу ораликда жойлашган иншоотларни реконструкция

қилиш ҳамда маълумотда белгиланган – секундига 5 м³ сув сарфланишига мўлжалланган янги бош иншоот қурилишини амалга оширишдан иборат. Камчиликларни аниқлаш далолатномасига асосан ишчи лойиҳада канални реконструкция қилиш мобайнида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- ПК 0+00 да янги бош иншоот қуриш;
- ПК 33+05 дан ПК 92+00 гача бетон қоплама ўрнатиш;
- ПК 31+75 даги тўсувчи иншоот ҳамда ўтиш жойини реконструкция қилиш;
- ПКПК 33+05, 92+00 га туташган қўшимча иншоот қурилиши;
- ПКПК 51+57, 97+41 да қувурли ўтиш жойини қуриш;
- ПКПК 68+80, 78+96, 86+35 даги йўловчилар ўтиши учун мўлжалланган кўприкни реконструкция қилиш;
- бузилиб, ишдан чиққан сув чиқаргичлар ўрнига янгисини қуриш.

2.3. Канални қайта таъмирлаш

Каналнинг ПК 31+75 дан ПК 33+05 гача бўлган оралиғидаги қисмининг қайта таъмирлаш мавжуд кесимни лойиҳавий кесимгача етказилгунига қадар амалга оширилади. Кичик тақсимлагичлар ва суғориладиган майдонлар сувлари сатҳи пасайганлиги ҳамда каналнинг ПК 33+05 дан ПК 92+00 оралиғи ва иншоот орасидаги бу қисмидан нотўғри фойдаланиш оқибатида 2-3м лик тиргак яратиш зарурати туғилган, бу ҳолат каналнинг фойдали иш коэффициентини пасайтирган ва суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашишига олиб келган. Каналнинг ҳўл периметрини ортиши муносабати билан лойиҳада сувнинг сатҳини белгилаш мақсадида канал тубини ПК 33+05 дан ПК 92+00 кўтариш кўзда тутилган.

Тупроқ тўлдириш зарурати бўлган ерлардаги ўсимликли қатлам кесиб олинади ва сифатли суглинкали грунт солинади, 1,65 т/м³ зичликгача шиббаланади, сифатли боғловчили грунндан канал трассаси бўйлаб, тупроқ

тўкилиб таг қисми ўрнатилади ва оғирлиги 16 тоннага тенг бўлган пневмомосламали ускуна ёрдамида шиббаланди.

Грунтнинг физик-механик хоссалари (унинг таркибидаги намлик, енгил эрийдиган тузлар миқдори ва ҳ.к.) лойиҳа талабларига жавоб бериши зарур. Тупроқ тўкилган жойда лойиҳавий кўрсаткичларга кўра кесим кесиш ҳамда иккала томондан эни 3,5 м га тенг дамбалар ўрнатиш кўзда тутилган.

Асос қисмига тўкиш учун зарур бўлган грунт канал трассаси бўйлаб ташкил қилинган резервлардан 130 л.с ҳажмли бульдозер воситасида қазиб олинади ва 20 метргача бўлган масофага ташиб тўкилади.

Каналнинг ПК 44-47, ПК 53-62, ПК 64-66, ПК 73-75 қисмларида жойнинг торлиги туфайли (мазкур жой ёнида коллекторлар, қурилмалар жойлашган, суғориладиган майдонларнинг мавжудлиги, канал бўйлаб асосан чап томонда автомобиль йўли жойлашган, канал бўйлаб ўнг ва чап томондан газ қувури ўтказилган ҳамда КМК 2.06.03-96 нинг 1.3, 1.4, 1.7, 1.12, 1.13, 1.14, 2.3.11, 2.3.14, 6.15, 6.18, 6.28, 6.29, 6.30 пунктларига мувофиқ) грунтга сиғими 0,65м³ га тенг бўлган экскаватор ёрдамида ишлов берилади ва грунт автосамосваллар ёрдамида 2 км масофага олиб чиқиб ташланади.

Чап томондан айланма жилға барпо этилади, қурилиш якунланганидан сўнг мазкур жилға кўмиб ташланади.

ПК 0+00 дан ПК8+00 гача бўлган ораликда эски жилғани қамишдан 0,5 м чуқурликда тозалаш ва лойиҳавий белгигача сифатли тупроқ тўкиш ҳамда келтирилган грунт ёрдамида $\gamma=1,65\text{т/м}^3$ зичликкача шиббалаш ва қатламлараро намлантириш кўзда тутилган. Мавжуд кесимнинг чап томонидаги ПК 33+05 дан ПК 92+00 гача бўлган қисмига тупроқ солинади. Тупроқ солишдан аввал $t=0.15$ м қалинликдаги ўсимлик қатлами ёки 0,5 м чуқурликдаги қамиш кесиб олинади, корито ва кесимнинг бир қисми тупроқ билан тўлдириш учун мўлжалланади. Лойиҳавий кесим амалга оширилганидан сўнг уни яхлит В12.5, F150, W4 бетон билан қопланади. Бетон қоплама қалинлиги бутун периметр бўйича 0,10 м ни ташкил этади. Бетон қопламада кўндаланг ҳарорат-чўкиш чоклари 15 м қадамда бетон таркибига

эни 0,35 м ва қалинлиги 0,02 см бўлган политэтилен пленкасида бажарилади, чоклар қалинлиги 2 см га тенг мастика (хамаст) билан тўлдирилади.

Каналнинг гидравлик ҳисоби тезкор, максимал (меъёрий) ва минимал сарфларга бажарилган.

2.1.-жадвал. Каналнинг гидравлик элементлари жадвалда келтирилган.

Пикетлар	узунлиги, м	Сарф номи	Q, м³/сек	В, м	i	m	n	h, м	v, м/сек	Нст р, м
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
33+05÷51+57	1852	тезкор	3,10	1,0	0.00064	1.5	0.017	1,11	1,05	1,31
		меъёрий	2,70					1,04	1,01	
		минимал	1,08					0,67	0,80	
51+57÷92+00	4043	тезкор	2,90	1,0	0.000474	1.5	0.017	1,15	0,92	1,35
		меъёрий	2,50					1,08	0,89	
		минимал	1,00					0,70	0,70	

Канални қайта таъмирлаш бўйича ер ишлари ҳажми кўндаланг кесимлар бўйича ҳисобланган.

2.2.- жадвал. Каналдаги ер ишлари ҳажми жадвалда келтирилган.

Участка		Узунлиги, м	Ҳандақ ҳажми, м³				Тўкилган тупроқ ҳажми, м³	
ПК дан	ПКгача		кесимлар	Токчалар	Ўрт.ўс. қатл.	жами	дамбалар	жами
31+00	92+00	6100	34400	2545	11310	48255	118878	118878

Канални қайта таъмирлашдаги бажариладиган бетон ишлари ҳажми жадвалда келтирилган.

2.3. – жадвал. Канал бўйича бажариладиган бетон ишлари ҳажми.

Участка		Иншоотсиз участка узунлиги, м	Бетон ҳажми, м ³		
ПК дан	ПКгача		Туби бўйича	Қиялиги бўйича	жами
33+00	92+00	5900	591	2971	3562

Намунавий бўйлама профиль чизмасида кўрилсин.

Канал қурилишида олиб бориладиган ишларнинг кетма-кетлиги қуйидагича:

- ПК 33+00 дан ПК 92+00 гача бўлган жойдаги ўсимлик қатлами тозаланади;
- ташиб келинган грунтдан тупроқ тўкилади;
- каналнинг кесими ўйиб олинади, грунт сақлаш учун ПК 0+20 дан ПК 31+75 гача бўлган участкага ташилади;
- каналнинг ПК 33+00 дан ПК 92+00 гача бўлган кесими бетонланади, айланма ер оқими жилғаси бўйича сув ўтказилганида тўсувчи иншоот қурилади;
- канал бўйлаб сув узатилиши тўхтатилганида ПК 31+75 дан ПК 92+00гача бўлган участкада қурилиш ишлари олиб борилади;
- мавжуд жилғани омборда сақланадиган грунт билан, қисман карьердан олинган грунт билан тўлдирилади;
- мазкур участкада каналнинг кесими кесиб ўтилади, ундан сўнг бетонлаш амалга оширилади ва иншоот қурилади;
- кесимдан олинган грунт каналнинг ПК 33+00 дан ПК 92+00 гача бўлган мавжуд кесимини тўлдириш учун сарфланади, етмаган ҳолатларда коллекторларнинг энг яқин уюмлардан ташиб келинади;
- сув чиқариш иншоотларини улаш амалга оширилади.

Айланма канал ва тўташ иншоотлар.

Дўстлик каналининг Канални қайта таъмирлашни амалга ошириш учун қуйидагилар кўзда тутилади:

- 1,5 ойга Дўстлик канали бўйича сув узатилиши тўхтатилади;
 - мавжуд каналнинг ўнг томонига айланма жилғани ўқ бўйича 13,5 м ташлаб ўрнатиш;
 - Дўстлик каналининг мавжуд жилғасига ёрдамчи иншоотлар ўрнатиш;
- Узунлиги 6,15 км бўлган ПК 31+00 даги айланма жилға четдан ўтказилади ва ПК 92+50 да ПР-4-1 каналининг мавжуд жилғасига уланиб юборилади. Айланма жилғанинг сув сарфи ПК 31+00 дан ПК 33+00 гача - 1,5 м³/сек га, ПК 33+00 дан ПК 92+50 гача – 1,0 м³/сек га тенг бўлади. Жилғанинг кесим юзаси трапеция кўринишида бўлиб, нишаб m=1,0 га тенг бўлади, туби бўйича эни ПК 31+00 дан ПК 33+00 гача – 1,0 м, ПК 33+05 дан ПК 92+50 гача – 0,6 м га тенг бўлади.

Дўстлик каналида маҳаллий грунтдан юқори қисмининг эни 5 м ва нишаби m=2,0 га тенг бўлган қиялик ўрнатилади.

Қурилиш ишлари тугатилганидан сўнг айланма жилға атроф муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида кўмиб юборилади, яъни мазкур ҳудуд рекультивация қилинади, ландшафти тикланади.

Айланма жилға (оқим) бўйича бажариладиган ер ишлари ҳажми кўндаланг профиллар бўйича ҳисобланган.

2.4. – жадвал. Айланма жилға (оқим) бўйича бажариладиган ер ишлари тартиби жадвалда жамланган.

Участка		Узун- лиги, м	Ҳандақ ҳажми, м ³			Тўкилган тупроқ ҳажми, м ³	
ПКдан	ПК гача		кесим лар	Ўрт. ўсимл.қ атл.	жами	дамбалар	жами
31+00	92+50	6150	28304	610	28914	2664	2664

2.4. Гидротехник иншоотлар

Бош сув олиш иншооти.

Иншоотнинг 5 м³/с га тенг бўлган Дўстлик каналига тушадиган ҳисобий сув сарфи 56+00 пикетга жойлашган тўсувчи иншоотнинг юқоридаги бьефидаги бош иншоот томонидан амалга оширилади. Дўстлик канали бўйлаб ўтиш жойини таъминлаш мақсадида РТ-160 иншооти танланган ҳамда намунавий лойиҳа асосида лойиҳаланган

Янги иншоотнинг конструктив ечими ҚМҚ 2.06.03-97 га кўра ва IV тоифага мансуб деб қабул қилинган . ҚМҚ 2.01.03-96 га кўра қурилиш ҳудуди сейсмиклиги 7 баллга тенг деб олинган. Иншоот қуйида номлари келтирилган бир нечта элементлардан ташкил топган: кириш қисми, 1 йўналишда ўтадиган сув ўтказувчи қисм, темирбетондан ишланган сув кетказиш мосламаси, сув оқиб кетишига хизмат қиладиган қисм.

Юқоридаги бьефга кириш бош қисми ўрнатилади, унинг вазифаси қувур олдида сувнинг етарлича босимини таъминлашдан иборат, сув олишни назорат қилиш учун мўлжалланган тўсқич билан жиҳозланган. Щитли қисм кути кўринишида бўлиб, шўнғийдиган деворлар туридаги кириш бош қисми билан биргаликда жиҳозланган. Иншоот битта ораликдан иборат. Яхлит В 15 синфли темирбетондан тайёрланган бош қисми қалинлиги 0,1 м бўлган шағалли асосга жойлаштирилади. Шитли қисми асосий тўсқичлар битта йўналишдаги пазали конструкцияларга эга, бу жойга ГС-160-300 синфли чуқур силжувчи тўсқич жойлаштирилади. Юқори қисмдаги бьеф конструкциясида бош қисмидан олдин В 15 синфли қалинлиги 0,15 м бўлган понурни шиббаланган қалинлиги 0,1 м бўлган шағалли асосга ўрнатиш кўзда тутилган.

Иншоотнинг сув ўтказувчи қисми диаметри 160 см, узунлиги 2,5 см бўлган босимсиз битта йўналишдаги қувурлардан иборат бўлиб, улар қалинлиги 0,1 м бўлган бетон асосга В 7,5 синфли монолит бетон устига жойлаштирилган. Иншоотнинг пастки бьефига В 15 синфли қалинлиги 0,30 м бўлган монолит бетондан сув қуйилиш қисми қалинлиги 0,1 м бўлган шиббаланган шағал асосга ўрнатилган.

Ўтиш жойининг ер қисмининг эни 7 м, автомобиллар ҳаракатланиш қисмининг эни – 4,5 м га тенг. Автомобиль ҳаракатланадиган қисми қалинлиги 0,2 м га тенг бўлган грунт-шағалли қоплама билан қопланади. Автомобиль ҳаракатланадиган қисмини тўсиш учун йиғма темирбетон С-14 устунлари кўзда тутилган.

Сульфатли фаолликни инобатга олиб, барча конструкциялар бетони сульфатга бардошли портландцементдан тайёрланади (УзРСТ 22266-94).

Грунтлар ва грунт сувлари сульфатга бардошли портландцемент асосида тайёрланган бетонга нисбатан фаоллиги юқорилиги билан тавсифланади. Фаолликни инобатга олиб, конструкцияларнинг қайта тупроқ тўкилган қисмидаги грунтга тегадиган бетон юзалари ва асослари иссиқ битум ёрдамида 2 марта бўялади. Бетон ва темирбетон конструкцияларни коррозиядан ҳимоялаш КМК 2.03.11-96 бўйича амалга оширилади.

Маҳкамланган қисм ва темирбетон лоток ҳамда бош қисми орасидаги чок қалинлиги 2 см бўлган антисептиклар билан ишлов берилган тахта, БН-IV битум шимдирилган шлакпахта билан тўлдирилади, синфи 100 бўлган цемент қоришмаси ёрдамида сувалади.

Бетоннинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари РСТУз 728-96. “Оғир ва майда донали бетонлар” стандартига мос келиши шарт. Иншоот асосини лойли қум (суглинкалар) ташкил этади. Ҳандақни тўлдириш учун маҳаллий грунтдан фойдаланилади, грунтнинг ҳажмий вазни $\gamma_{ск}=1,65\text{т/м}^3$ ни ташкил этган оптимал намлик даражасига етгунига қадар шиббаланади.

Айланма жилғалар (русла) ва туташ иншоотлар (перемички).

Дўстлик каналнинг ПК 0+00даги бош сувни тортиб олиш иншоотини қуриш учун қуйидаги чора-тадбирларни бажариш лозим:

- жилға (русло) бўйича сув узатишни тўхтатиш;
- айланма жилға (русло)ни ўрнатиш;
- жилғага туташ иншоотларни ўрнатиш.

Жилға сув сарфи 1,60 м³/сга тенг сувни қабул қилади жилға кесими – нишаби $m=1.5$ га тенг трапециясимон кўринишда. Каналнинг туб қисмининг эни 1,0 м

ни ташкил этади. Трактда маҳаллий грунтдан туташ иншоотлар тепадаги эни 5 м га ва қиялиги $m=1.5$ га тенг бўлган ўлчамлар билан ўрнатилади.

Бош сув олиш иншоотида бажариладиган ишлар ҳажми жадвалда берилган.

Бош иншоот бўйича бажарилган ишлар ҳажми жадвали

№№ т.р.	Ишлар номи	Ўлч.бирл	миқдори
1	2	3	4
	1. Ер ишлари		
1.1	Ер қазиш	м ³	1285
1.2	Ҳандақни тўлдириш	м ³	1140
1.3	Тупроқ тўкиш	м ³	549
1.4	Режалаштириш	м ²	465
	1. Йиғма темирбетон		
2.2	РТ-160.25-2 қувурларни ўрнатиш. В25 синфли бетон, W4	м ³	11,10
2.3	Устунларни монтаж қилиш С-14. В30 синфли бетон	м ³	0.18
	3. Яхлит бетон и темирбетон		
3.1	ОЖ бош қисмини ўрнатиш	В15 синфли бетон.W4	м ³
		Арматура	кг
3.2	Тепа ва пастки бўёфга қоплама ўрнатиш. В12.5 синфли бетон W4	м ³	15,30
3.3	Қувур тагига асос ўрнатиш. В12.5 синфли бетон	м ³	7,50
3.4	Қувурлар тагига асос ўрнатиш ва монлитлаш. В 7.5 синфли бетон	м ³	31,1
3.5	Растекатель (телескопик лоток, йўл-кўприк иншоотларидан сувни четга оқизиш учун мўлжалланган иншоот)	м ³	2,7
3.6	Сув қуйилиш қисми (сув оқими динамикасини белгиловчи иншоот)	м ³	26,0
	4. Металл конструкциялар		
4.1	Тўскични ўрнатиш	ГС160-300	кг
		Қўл воситасида кўтариш мосламаси	кг

Тўсувчи иншоотлар

Иншоотнинг ҳисобий сув сарфи – 3,10 м³/с га тенг бўлиб, ПК 31+75 дан 2 та йўналишдаги тўсувчи иншоотдан оқиб ўтади, биринчисининг диаметри 140 см, иккинчисининг диаметри 120 см бўлиб сув горизонтини тиргаги вазифасини ўтайди. ПК 31+75 да қайта таъмирлаш ўтказилади, бунинг учун мазкур иншоотнинг бош қисми демонтаж қилинади ва кириш қисми ўрнатилади, қувур олдида маълум сув босими ҳосил қилишга хизмат қилади ва сув олинишини назоратини таъминлаш учун тўсиш иншооти билан жиҳозланади. Шитли қисми кути кўринишида бўлиб, шўнғийдиган деворлар туридаги кириш бош қисми билан биргаликда жиҳозланган. Иншоот бир ораликдан иборат. Бош қисми В 15 синфли темирбетондан бўлиб, қалинлиги 0,1 м шағал шиббаланган жойга ўрнатиладиган. Шитли қисми асосий тўсқичларга мўлжалланган битта йўналишдаги ёпувчи конструкцияларга эга бўлиб, шу ерга 2,5 В қўлда бошқариладиган симга эга бўлган ГС-140 ва ГС-120 маркали сирпанадиган тўсқич ўрнатилади.

Тўсувчи иншоот бўйича бажариладиган ишлар ҳажми жадвалда берилган.

Тўсувчи иншоотлар бўйича бажариладиган ишлар ҳажми жадвали.

№№ тр	Ишлар номи		ўлч. бирл.	сони.
1	2		3	4
	1.Ер ишлари			
1.1	Ер қазиш		м³	28
1.2	Ҳандақни тўлдириш		м³	10
1.3	Тупроқ тўкиш		м³	18
1.4	Режалаштириш		м²	100
	2.Яхлит бетон ва темирбетон			
3.1	ОЖ бош қисмини ўрнатиш	В15 синфли бетон.W4	м³	13,75
		Арматура	кг	171,4
3.2	Юқоридаги ва пастки бьефга қоплама ўрнатиш. В12.5 синфли бетон W4		м³	15,30
3.4	Қувур ўрнатиладиган асосни тайёрлаш ва монолитлаш. В 7.5 синфли бетон		м³	8,5
	4. Металлоконструкциялар			
4.1	Тўсқични ўрнатиш	ПС 150-100	кг	196

		Қўл воситасида ишлатиладиган мослама 1В	кг	36
--	--	--	----	----

Қўшимча иншоотлар

Иншоотнинг ҳисобий сарфи – 3,10 и 2,90 м³/с ПКПК 33+05 ва 92+00 дан қўшимча иншоот орқали ўтади.

ПК 33,05 даги иншоотнинг туби бўйича паст-баландлик ўлчами 2,20 м ни, ПК 92+00даги 1,41 м ни ташкил этади.

Янги иншоотнинг конструктив ечими ҚМҚ 2.06.03-97 бўйича ишланган, IV тоифага мансуб. Иншоот тури РТ-100 № 1018553-РТ95 рақамли “Сув сарфи 10 м³/с бўлган қувурсимон босим ўзгаришини инобатга оладиган ва инобатга олмайдиган суғориш тизимлари каналлари” номли намунавий лойиҳаси асосида лойиҳаланган.

Дўстлик канали бетон билан қопланган оқимдан ўтади. Иншоот бир нечта элементлардан иборат: битта йўналишдан ўтадиган кириш қисми, сўндиргич, сув қуйиладиган жой. Узунлиги 2,65 м, қалинлиги 15 см бўлган В15, F150, W6 бетондан ясалган. Кириш бош қисми қалинлиги 15 см бўлган қоплама билан қопланган, кириш қисми чуқурроқ киради, бу билан қувур олдидаги босим таъминланади ва ўрнатилган тўсқич сув тўхташини таъминлайди. Сув ўтказадиган қисми РТ-100.25-2 синфли йиғма темирбетон қувурлардан ташкил топган. Қувурлар ўрнатиладиган асос В7.5 синфли бетондан бажарилади, қувурлар В7.5 бетондан, қалинлиги 10 см. Қувурлар буриладиган жойларда В15, F150, W6 синфли бетондан иккита диафрагма ўрнатилади. Қувурнинг кириш жойига қувурдан сув чиқиш пайтида қувур тўлиб қолмаслиги учун ҳаво ўтказадиган қувур ўрнатилади. Қувур охирида сўндиргич ўрнатилади, ундан кейин узунлиги 4 м, қалинлиги 30 см бўлган сув қуйилиш жойи ўрнатилади, бундай конструктив ечимнинг зарурати флютбетнинг гидротехник ҳисобини амалга ошириш воситасида аниқланди. Иншоотнинг тугайдиган қисми канал кесимига ўтадиган қисм сифатида яқунланади. Ўтиш жойининг ер қисми эни 7 м , автомобиль ўтадиган

қисмининг эни 4,5 м га тенг деб қабул қилинган. Автомобиль ўтиш жойи қалинлиги 0,2 м бўлган тош-шағалли қоплама билан қопланади.

Сульфатли фаолликни инобатга олиб, барча конструкциялар учун бетон сульфатга бардошли портландцемент асосида тайёрланади (УзРСТ 22266-94).

Грунтлар ва грунт сувлари сульфатга бардошли портландцемент асосидаги бетонга сульфатли фаоллик билан тавсифланади. Конструкцияларнинг бетон юзалари ва тайёргарлик қисми тўкилган тупроққа тегадиган жойлари фаол бўлганлиги сабали 2 марта иссиқ битум билан бўялади. Бетон ва темибетон конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш тадбирлари КМК 2.03.11-96 асосида олиб борилади.

Маҳкамланган қисм ва темирбетон лоток ҳамда бош қисми орасидаги чок қалинлиги 2 см бўлган антисептиклар билан ишлов берилган тахта, БН-IV битум шимдирилган шлакпахта билан тўлдирилади, синфи 100 бўлган цемент қоришмаси ёрдамида сувалади.

